

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Кредит-иқтисод факултети”

“Банк иши” кафедраси

НОМОЗОВ ЎКТАМ ҚУЛМАМАТ ЎҒЛИ

**«МИЖОЗНИНГ КРЕДИТ ТЎЛОВИГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ
БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»**

5230700- “Банк иши” таълим ёналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ»

«Банк иши» кафедраси мудири

и.ф.н .Саидов

«__»_____2016 .

Илмий раҳбар: Ш.Юлдашев

. «__»_____2016 .

ТОШКЕНТ – 2016

Мундарижа

Кириш.....	3
1.Боб. Кредит тушунчаси ва унинг ахамияти.....	7
1.1 Банк кредити ва унинг иқтисодиётдаги ўрни.....	7
1.2 Кредитга лаёқатлилиқ тушунчаси.....	19
2.Боб.Мижознинг кредит лаёқатини баҳолаш.....	25
2.1 Мижознинг кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари.....	2
2.2 Мижознинг кредитга лаёқатлилигининг қўшимча кўрсаткичлари.....	37
2.3 Бизнес режанинг кредитлаш жараёнидаги ўрни.....	44
3.Боб. ЧЭКИ “Хамкорбанк” АТБ да кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари	50
3.1 ЧЭКИ “Хамкорбанк” АТБ нинг кредит сиёсати.....	50
3.2 ЧЭКИ “Хамкорбанк” АТБ да мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш.....	56
Хулоса.....	67
Фойдаланилган адабиётлар	71

Кириш

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда банк тизимидаги бошқарув жараёнларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга бўлган талаб янада кучаймоқда. Шу муносабат билан банк тизимида кредитлаш жараёнларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш долзарб мавзулар қаторига киради. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича жаҳон рейтингда Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.¹

Маълумки, корхоналар молиявий ресурсларини шакллантиришда тижорат банклари кредитларининг ўрни жуда муҳим. Аини чоғда Тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимизда, нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, балки мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ банк-кредит тизимини ислоҳ қилиш ва бу соҳа барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Бу эса кутилган натижаларни бермоқда ва жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Сўнгги йилларда мамлакатимизда банклар фаолиятига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятини барқарорлаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилди. Бунинг натижасида Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг

¹ “Ўзбекистон республикаси Президентининг 2015-йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилнинг муҳим иқтисодий дастурларига бағишланган маърузаси” cbu.uz

кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2014 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди.²

Тижорат банклари фаолиятининг риск омили билан бевосита боғлиқлиги бу борадаги меъёрий хужжатларни такомиллаштиришга жиддий эътиборни қаратишни тақозо этмоқда. Мамлакатимиз тижорат банклари фаолияти самандорлигига риск омилининг салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олиб, рискларни бошқаришда замонавий тизимларини жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Банкнинг асосий мақсади аҳолига хизмат курсатиш ва фойда олишдир. Банк уз фаолияти давомида хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни ривожлантириш мақсадида кредитлар беради. Бу берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги банкга кредит хатарини беради. Шу сабабли тижорат банклари ўз миқдорларининг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражасини аниқ баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Инсонлар тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг шиддат билан ривожланиб бориши билан ажралиб туради. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон ҳўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига, хусусан, трансмиллий коорпорациялар, уларни турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайишига олиб келади. Умуман олганда глобаллашув жараёнлари жаҳон ҳўжалигининг

² “Банк тизими тараққиёт одимлари” cbu.uz

яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит рискининг олдини олиш ва миқдорнинг кредит тўлов қобилиятини баҳолашни янада такомиллаштириш асосида тижорат банкларининг самарали фаолият кўрсатишига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти. Тадқиқот объекти сифатида чет эл капитали иштирокидаги “Ҳамкорбанк” акционерлик тижорат банкининг Гулистон филиали олинди.

Битирув малакавий ишининг предмети. Мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш муаммолари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида республикаимиз ва хорижий олимларнинг илмий ишлари умумлаштирилиб, бозор муносабатлари иқтисодиётнинг барча жабҳаларига кенг миқёсда кириб бораётган ҳозирги шароитида миқдорнинг тўлов қобилиятини аниқлашнинг услубий муаммолари назарий асосланиб, уларни ҳал этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишидаги миқдорнинг тўлов қобилиятини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса ва амалий таклифлар мамлакатимиз тижорат банкларида кредит рискин бошқариш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва олий ўқув юртларида фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш қисми, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат

1.Боб. Кредит тушунчаси ва унинг аҳамияти

1.1 Банк кредити ва унинг иқтисодийдаги ўрни.

Кредит — пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор (давлат, банк, корхона, хусусий шахс ва бошқалар), ссуда олувчи томон эса дебитор (қарздор) дейилади. Кредит келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади. Кредит муомаласи қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир. Лекин ҳар қандай қарз муносабати ҳам кредит бўла олмайди. Кредит муносабатида олинган маблағ қайтариб берилиши, фойдаланилгани учун ҳақ (келишилган фоизда) тўланиши, муддатли, маълум товар ва номоддий активлар билан таъминланган бўлиши, мақсадли ишлатилиши шарт. Берилиши муддатларига кўра, қисқа муддатли (1 йилга қадар), ўрта муддатли (1йилдан 5 йилгача), узоқ, муддатли (6 йилдан ортиқ) кредит га бўлинади.

Кредит нинг тижорат, банк, давлат, истеъмол, халқаро, ипотека ва бошқа шакллари бор. Тижорат кредити — бир хўжалик юритувчи субъект томонидан берилади ва, одатда, вексел билан расмийлаштирилади. Банк кредити — жисмоний ва юридик шахсларга пул шаклида банклар томонидан берилади. Банк кредитининг форфейтинг , факторинг , ҳаридорга қарз бериш каби кўринишлари бор. Давлат кредити — давлатнинг қарз берувчи ва қарз олувчи сифатида иштирокини назарда тутати. Давлат қарз берувчи сифатида банк тизими орқали бюджетдан тармоқ, ҳудуд, корхоналарни кредит ажратиб молиялаштиради. Қарз олувчи сифатида аҳолига давлат заёмлари, облигацияларини сотиш билан жисмоний ёки юридик шахслардан қарз олади, натижада ички давлат қарзи, чет давлатлардан олинган кредитлар ҳисобидан ташқи давлат қарзи пайдо бўлади. Истеъмол кредити — аҳолига истеъмол товарлари, хизматларни насияга сотиш, уй-жой қурилиши харажатлари учун, ломбардлардаги мулк гарови ҳисобига, ўзаро ёрдам кассаси қарзлари ва бошқа кўринишларда берилади. Халқаро кредит —

муддатли, қайтимли ва фоиз тўлаш шартлари билан бир мамлакатдаги кредитор томонидан иккинчи мамлакатдаги қарз олувчига пул ёки товар шаклида бериладиган қарз, шунингдек, четэл облигациялари, чет эл корхоналари аксиялари ва бошқа қимматли қоғозларига фонда олиш мақсадларида капитал қўйиш.

Кредит иқтисодиётда муҳим вазифаларни бажаради, уларнинг орасида молия ресурсларини қайта тақсимлаш асосий ўринда туради. Кредит ёрдамида капитални бир тармоқдан иккинчисига, бир мулкдордан бошқасига оқиб ўтиши таъминланади. Шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, маблағларни капитал қўйишнинг энг фойдали ва истикболли ёналишларида тўплаш имкониятлари юзага келади. Кредит ресурсларини банклар томонидан тартибга солиш механизмлари ёрдамида пул айланмаси торайтирилади ёки кенгайтирилади, тўловга қобил талабнинг қўпайиши ёки қисқариши юз беради, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ривожига рағбат беради.

Кредит муносабатларида унинг барқарор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун мамлакатда кредит сиёсати олиб борилади. Кредит сиёсати таркибида банкларнинг фоиз сиёсати ва ажратилаётган кредитларнинг ёналишлари, уларнинг қайтарилишини таъминлаш, кредитнинг самарадорлигини ошириш, имтиёзлар, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарлар олдини олиш тадбирлари катта рол ўйвайди. Ўзбекистонда тижорат банкларнинг кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини жадал ривожлантиришга ёлтирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказлаштирилган кредитлари мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга ажратилмоқда. Шунингдек, мамлакат тижорат банклари ҳам янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга кредитлар ажратиш билан бирга кичик ва ўрта бизнесни қўллабқувватлашни ҳам амалга оширмоқда. Имтиёзли шартларда ажратилаётган кредитлар ва микрокредитлар шулар жумласидандир. Кредит

тизими: Марказий банк, тижорат банклари, кредит уюшмалари ва чет эл банклари филиаллари ва ваколатхоналари. Кредит тизимида Марказий банк алоҳида ўрин тутди ва у эмиссия мақомига эга. Мамлакатда кредит тизими фаолияти "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида" (1995.21.12), "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" (1996.25.04) қонунлари билан тартибга солинади. Пул шаклидаги капитал ссуда капитали дейилса, унинг ҳаракати кредитнинг мазмунини ташкил қилади. Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, яъни пул эгаси (қарз берувчи) ва қарз олувчи ўртасида юзага келади.

Турли хил корхоналар фирмалар, ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатлами кредит муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Санаб ўтилган субъектларнинг айнан ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ва ҳам қарз берувчи ўрнида чиқиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағларидир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида товарлар, иқтисодий ресурслар ва пул маблағларининг доиравий айланиши кредит муносабатларининг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга доиравий айланиш жараёнида муқаррар суратда вақтинча бўш турадиган пул маблағлари ва бошқа пул ресурслари кредит маблағларининг манбаини ташкил қилади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча бўш пул ресурслари ҳосил бўлиши билан бир вақтда, иқтисодиётнинг айрим бўғинлари ва соҳаларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади. Аввало кредит қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Унинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг бўш пул маблағлари ссуда фонди шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Иккинчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (вексел, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик амалиётига жорий этиш вазифасини

бажаради. Учинчидан, кредит нақд пуллар ўрнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан муомала харажатларини тежаш вазифасини бажаради. Тўртинчидан, кредит ссуда фондининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни ундириш) орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини бажаради. Бешинчидан, кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажаради. Ниҳоят, кредитнинг ўзига хос вазифаси иқтисодиётни тартибга солиш ҳисобланади. Бунда кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириш, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар бериш каби усуллардан фойдаланилади.

Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки — пул ва товар шаклларида фойдаланиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички айланмасида пул кредитидан кенгроқ фойдаланиб, у банк, тижорат, давлат, истеъмол ва халқаро кредит шаклларида олади. Банк кредити — кредитнинг асосий ва этакчи шакли сифатида чиқади. У пул эгалари — банклар ва махсус кредит муассасалари томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори) пул ссудалари шаклида берилади.

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти — банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тузадилар. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади. Кредитнинг моҳиятини янада аниқлаштириш учун унинг тар-кибини, ҳаракат босқичларини, иқтисодий тушунча сифатидаги муҳим белгиларини ва ижтимоий - иқтисодий характеристикасини кўриб чиқамиз. Кредитнинг моҳиятини тушуниш учун,

авваламбор, унинг таркиби нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш зарур. Кредит муносабат бўлиши учун унинг зарур элементлари – кредит-нинг объекти ва субъекти бўлиши зарур.

Кредит муносабатларида субъектлар икки хил бўлади:

1. Кредитор (қарз берувчи)
2. Қарз олувчи

Бундан ташқари, кредит муносабатлари таркибининг элементи сифатида кредитнинг объекти юзага келади.

Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари.

Кредит объекти - бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган ва қарз олувчидан кредитор (қарз берувчи)га қайтиб бериладиган қийматдир.

Бунда қарзга берилган маблағ ўз қийматини сақлаб қолиши кредитнинг асосий сифати ҳисобланади. Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

Кредитнинг ҳаракат босқичлари ҳам унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Қарзга берилувчи қиймат ҳаракатини қуйидаги схемада ифодалаш мумкин:

Бк - Окз - Ик ... Вр ... Қк – Фкс

Бк – кредитнинг берилиши;

Окз– кредитнинг қарз олувчи томонидан вақтинчалик эҳтиёж-ларини қондириш учун олиниши;

Ик – кредитнинг ишлатилиши қарз олувчининг кредитни нима мақсадда олганлиги билан узвий боғлиқ бўлади;

Вр – қарз олувчининг хўжалигида қарзга олинган қиймат айлан-маси тугалланишини ресурсларнинг айланмадан чиқарилишини ифо-далайди;

Қк – кредитни қайтариш;

Фкс – вақтинчалик берилган қийматни кредитор қўлига қайтиб келиши (% билан).

Кредитнинг моҳиятини маълум вақтдан кейин қайтариб бериш ва фоииз билан қайтариш шарти янада кенгроқ очиб беради. Бу ҳар иккала шартдан ташқари, кредитнинг иқтисодий категория сифатида ҳаракат қилишини асослаш учун иқтисодий муносабатларнинг чуқур ижтимоий - иқтисодий белгиларини ҳисобга олиш зарур.

Кредит моҳиятининг таҳлили узлуксиз жараён. Таҳлил жараёни-да янгидан янги белгилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

Ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг функцияларига эга бўлгани каби кредит ҳам ўзининг бир қатор функцияларига эга. Ижтимоий иқтисодий тизимда кредитнинг ўрни ва аҳамияти бажараётган функциялари билан аниқланади. Кредитнинг функцияси – бу кредитнинг иқтисодиётдаги фаолияти конкрет равишда намоён бўлишидир.

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва аҳамияти ўртасидаги оралиқ бўғин сифатида кўриб чиқилади. Кредитнинг функциялари ҳақида олимлар ўртасида ягона изчил-лик йўқ.

И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иккита эчилмаган муаммо мавжуд:

1. Функцияни тушунишнинг услубий асослари.
2. Функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги муносабатларга хос функциялар тааллуқли:

- а) кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- б) қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;
- в) қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

Кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат шундай аниқланадики, бунда кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қилади, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатади ва бунда қарзга берилувчи қиймат кредитор

ва қарз олувчи ўртасида айланади. Бу эрдан кредит-нинг биринчи функцияси келиб чиқади:

Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш функцияси.

Кредит ва пул маблағлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, кредитнинг ҳақиқий пулларни кредит пуллари билан алмаштириш функцияси олдинга сурилган. Лекин бу функция ҳозир-ги кунда иқтисодий муносабатлар «сахнасидан» чиқиб кетган.

Кредитнинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг иккинчи функциясини келтириб чиқаради.

2. Қайта тақсимлаш функцияси.

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазаларига - ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмолга хизмат кўrsa-тади. Такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда кредит, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки истеъмол жараёнида кечадиган функциялардан фарқли ўлароқ қайта тақсимлаш функциясини бажаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ссуда капитали бозори вақтинча бўш молиявий ресурсларни бир фаолият жабҳасидан бошқасига йўналтирувчи ва натижада юқори фойдани таъминловчи ўзига хос дастак сифатида намоён бўлади.

Қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида корхоналар, ташкилот-лар, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромад-лари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайян тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқа-ришдаги пропорциялар ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

Ўзининг турли тармоқлар ва минтақаларда табақаланиш даража-сига таяниб, кредит иқтисоднинг стихияли макробошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда бу функциянинг амалга оширилиши бозор тизимида номутаносибликнинг чуқурлашувига олиб келиши мумкин. Худди шундай ҳолат МХД давлатларида бозор иқтисодига ўтиш босқичида намоён бўлмоқда. Шунинг учун кредит тизимини давлат томонидан бошқаришнинг муҳим вазифаларидан бири бу иқтисодий устунликни оқилона тавсифлаш ва

кредит ресурсларини у ёки бу тармоққа жалб қилишни рағбатлантиришдан иборатдир.

3. Муомала харажатларини тежаш функцияси.

Кредит вужудга келиш давридан бошлаб ҳақиқий пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллари – векселлар, банкноталар, чеклар билан алмашилишини таъминлаб келган. Лекин, олтиннинг монетар аҳамияти йўқолиши туфайли кредит шу функцияси ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириб, ҳисоб-китобларнинг тезлигини ва кам харажатлигини таъминламоқда. Капиталнинг муомалада бўлиш вақтининг иқтисод қилиниши унинг ишлаб чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойданинг ортишига олиб келади.

Бу функциянинг амалга ошиши кредитнинг иқтисодий моҳия-тидан келиб чиқади. Унинг манбаи саноат ва савдо капиталининг доиравий айланиши жараёнида вақтинча бўшаган молиявий маб-лағлар ҳисобланади. Хўжалик субъектлари пул маблағларининг ке-либ тушиши ва ишлатилиши ўртасидаги вақт бўйича фарқ фақатгина ортиқча маблағлар ҳажмини эмас, балки молиявий маблағларнинг этишмовчилигини ҳам аниқлаб беради. Шунинг учун корхона ва ташкилотларнинг ўз айланма маблағларининг вақтинчалик этишмов-чилигини тўлдириш учун ссудалар бериш кенг тарқалиб борган.

4. Капитал тўпланишининг жадаллашуви ва концентрациялашуви функцияси.

Капитал тўпланиши жараёни иқтисодий ривожланишнинг барқа-рорлашуви ва хўжалик юритувчи ҳар бир субъектнинг мақсадга эришишининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу масалани ҳал қилишга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунинг билан бирга қўшимча фойда олишга қарз маблағларидан фойдаланиш ёрдам беради. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, иқтисодий инқироз даврида бу ресурс-ларнинг қимматлилиги кўпчилик хўжалик фаолияти жабхаларида капитал тўпланишини жадаллаштириш масаласини ҳал қилишда тўсқинлик қилади.

5. Муомалага тўлов воситаларини чиқариш функцияси.

Бу функциянинг амалга ошиши жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижо-бий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисоб-китобларни нақдсиз операциялар билан алмаштиради.

Албатта, корхоналарнинг маблағлари этарли бўлгани ҳолда, бу турдаги харажатлар дастлаб корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисоби-дан молиялаштирилади, шунингдек, ўз маблағлари этарли бўлмаган шароитда банкнинг мақсадли ўрта ва узоқ муддатли ссудалари ҳисо-бидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кредитни ишлатиш самарадорлиги уни позитив равишда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига таъсири билан аниқланади.

Кўриб ўтганимиздек, кредит хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ва сотув, тўлов жараёнидаги маблағлар этишмов-чилигини қоплаш учун олинади. Агар корхона ишлаб чиқариш захи-раларини сотиб олиш учун кредит маблағлардан фойдаланадиган бўлса, шу кредит фондлар айланишининг барча босқичларини босиб ўтади ва микдорий жиҳатдан ўсган ҳолда айланишдан чиқарилади ва қарз берувчига қайтарилади.

Кредит ресурсларидан корхона қуйидаги ҳолларда фойдаланиши мумкин:

1. Корхона кредитни харажатларнинг бирон турини амалга ошириш учун, масалан, хом ашё, материаллар сотиб олиш, тугал-ланмаган ишлаб чиқариш учун ёки жўнатилган товарлар учун олиши мумкин.

1. Корхона айланма фондларнинг доиравий айланишининг барча босқичларига кредитни жалб қилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш захиралари сотиб олишга, тугалланмаган ишлаб чиқаришга, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга ва бошқа харажатлар учун.

3. Корхонани комплекс кредитлаштириш зарур бўлганда амалга оширилади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш учун зарур, деб таъкидланади. Агар бу фикр тўғри деб қарайдиган бўлсак, кредитнинг зарурлиги фақат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз олувчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади. Бундай шароитда кредитнинг чегараси ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига асосланган объектив жараёнларга эмас, балки банкнинг кредит операциялари орқали қарз олувчининг фаолиятини назорат қилиш истагига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асослангандир.

Тижорат банклари кредит сиёсатининг бош мақсади банклар томонидан миқдорларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш, кредитлаш жараёнида амалдаги қонунчилик талаблари ва меъёрларига риоя этиш, кредитлаш операциялари ва тартиботларининг яхлитлигини кафолатлаш, таваккалчиликларни мунтазам равишда диверсификациялаш, кредитлаш жараёнини тўғри ҳамда ўрнатилган тартибда амалга ошириш, банк фаолиятининг фойдалилиги ва самарадорлигини таъминлашдир.

Банк раҳбарияти кредит соҳасидаги ўз сиёсатини аниқ белгилаб олиши ҳамда бир ва бир неча йилга мўлжалланган режалар доирасида ўз мақсадларини аниқлаб олиши шарт. Бу сиёсат маълум бир талабларга жавоб бериши ҳамда рисклар сифатида таалуқли тижорат соҳасидаги вазифаларни белгилаб олишда, шунингдек воситаларни танлаб олишда муҳим роль ўйнаши керак.

Кредитга зарурат туғилганда қуйидаги манбалардаги бўш маблағлардан кредит ресурслар сифатида фойдаланиш мумкин. Бу манбалар асосан қуйидагилардир:

- асосий фондларни тиклаш, капитал таъмирлаш учун ажратиладиган амортизация сифатидаги пул маблағлари;
- товарларни сотиш ва янги моддий ресурсларни сотиб олиш вақтларининг бир-бирига мос келмаганлиги туфайли юзага келган бўш пул маблағлари;
- товарлар реализациясидан тушган тушум билан иш ҳақини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;
- шахсий сектор даромадлари, жамғармалари ва бошқа бўш пул маблағлари.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналарнинг хўжалик ҳисобида иш юритишида ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, корхонанинг асосий ва айланма фондларининг доиравий айла-нишининг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик, корхоналарнинг молия-вий ресурслар билан таъминланганлик даражасининг маромий-лигини сақлаш, корхоналар томонидан товар маҳсулотини сотганда сотилган товар учун тўлов суммасини олиш объектив ва субъектив сабаблар туфайли кечиктирган ҳолда кредитнинг зарурлиги келиб чиқади. Иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишини ижтимоий ишлаб чиқариш таъминлайди. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини эса кредит воситасида узлуксиз давом эттириб, бир зум бўлсада, тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди. Демак, кредит иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишини таъминловчи дастаклардан бири деган хулосага келишимиз мумкин.

1.2 Кредитга лаёқатлилиқ тушунчаси

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг, жумладан, банклар фаолиятининг тижоратлашуви объектив ҳолат ҳисобланади. Сўнгги йилларда турли хил мулкчилик шаклларига асосланган субъектлар ташкил топмоқда. Бу субъектлар қандай мулк шаклига асосланган бўлишига қарамадан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиб, ўз харажатларини ўзи қоплашлари шарт. Бозор шароитида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган хўжалик субъектларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж юзага келиши муқаррар бўлиб, ушбу эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобидан қопланади. Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида кредитлаш амалиётининг ўрни тобора муҳим аҳамият касб этади.

Банклар томонидан миқдорларга қисқа муддатли кредитлар бериш жараёнини самарали ташкил қилишда миқдори кредит тўловига лаёқатлилигининг таҳлили ва уни баҳолаш муҳим ўрин тутди. Берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишини ҳоҳлайдиган ҳар қандай банк, биринчи навбатда, миқдорнинг кредит аризаси ва унинг кредит тарихини мукамал ўрганиб чиқиши лозим. Бу жараён банк рискинни олдини олишнинг илк босқичи ҳисобланади.

Кредит тўловига лаёқатлилиқ, кредит беришда эътиборга олинadиган асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки тижорат банкининг ўз фаолияти натижаси учун жавобгарлиги ҳар қандай усуллар орқали кредит рискинни камайтиришни талаб этади. Кредит учун фоиз банкнинг асосий даромад манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг кредит тўловига лаёқатлилиги тижорат банкига кредит бериш мумкинлиги, кредитнинг миқдори ҳамда фоиз ставкаси даражасини белгилаш имконини беради. Бундан ташқари, кредит тўловига лаёқатлилиқни аниқлаш ссудани ўз вақтида қайтариш эҳтимолини ва натижада банк рискинни камайтириш имконини беради.

Кредит тўловига лаёқатлилиқ жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган корхоналар ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит олишлари ва кредит

ҳисобидан товар-моддий бойликларни сотиб олишлари, салмоқли маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтиришлари мумкин.

Кредит тўловига лаёқатлилик бўйича салбий кўрсаткичга эга бўлган субъектлар банкдан кредит ола олмасда, ўз молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллилик кўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўладилар. Корхона ва банклар учун кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларининг аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олиб, биз, кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларининг иқтисодий моҳиятини ойдинлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Кўпгина муаллифлар томонидан иқтисодий адабиётларда кредитга лаёқатлилик тушунчаси кенг ёритилган бўлсада, ҳозирги давргача улар ўртасида яқдиллик, ягона бир фикр мавжуд эмас.

Кредит тўловига лаёқатлилик – бу банк томонидан миқдорга кредит ажратиш мумкинлиги ва унинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан миқдорнинг кредит ва унинг фоизларини келажакда ўз вақтида қайтара олиш имкониятидир. Шу билан бирга банк миқдорининг кредит тўловига лаёқатлилиги унинг ўз вақтида қарз мажбуриятлари билан ҳисоб-китоб қила олиш қобилиятидир.

Умуман, биз кредитлаш жараёнида миқдорларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда айрим ҳолатларда кредит тўловига лаёқатлилиги деган тушунча ишлатилади, баъзи ҳолатларда эса кредитга лаёқатлилик тушунчаси ишлатилади. Шу кредитни қайтара олиш қобилиятини ўрганишни биз оддий қилиб миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш деб бир хиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз, фикримизча, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги ва миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилиги деган тушунча бир хил тушунча.

Шундай қилиб, оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, амалиётда кредитга лаёқатлилик – бу миқдорнинг банкдан олган кредитлари, яъни миқдори

фақатгина банк олдидаги қарзларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олиш имкониятини ифода қилади.

Кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин:

– қарз олувчи нуқтаи назаридан, кредит тўловига лаёқатлилик даражаси кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олиш қобилияти билан баҳоланади;

– банк нуқтаи назаридан, корхонага берилиши лозим бўлган кредитнинг хажмини тўғри аниқлай олиш масъулияти сифатида кўриб чиқиш лозим.

Айрим иқтисодчилар қарз олувчининг кредит тўловига лаёқатлили ҳолатини баҳолашда биринчи ўринга корхонанинг даромад олиш имкониятини қўйишади. Даромад олиш бу корхонанинг ишлаб чиқариши ёки бошқа фаолият турининг натижаси ҳисобланиб, фикримизча, шу натижага эришиш мақсадигина корхонани кредит олишга ундайди. Агар қарзларни тўлаш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак кредит тўловига лаёқатлиликка нисбатан тўловга лаёқатлилик тушунчаси кенгрокдир. Чунки тўловга лаёқатлиликка жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг барча қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш имкониятини ифодалайди.

Кредит тўловига лаёқатлилик эса тўловга лаёқатлиликдан фарқли ўлароқ, фақатгина ссуда бўйича қарз ва фоизларни ўз вақтида тўлаш имкониятини ифодалайди. Ундан ташқари кредит тўловига лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан тўлаш манбалари билан ҳам фарқ қилади. Маълумки мижозга қисқа муддатли кредит беришда ҳам таъминотга алоҳида эътибор қаратилади. Банк кредитини тўлаш бўйича муаммолар юзага келганда, уни тўлашнинг қуйидаги манбаларидан фойдаланилади:

- ссуда бўйича гаров сифатида олинган мулк;
- давлат кафолатлари;
- банк ва бошқа компанияларнинг кафолатлари;
- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурта полислари ва бошқалар.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитлаш талабларига тўғри риоя қилган ҳолда кредит берган банк, корхона тўлов қобилиятини қисман йўқотган ҳолда ҳам берган кредитни, тўлиқ бўлмасида қайтиб олиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Ўзининг барча ижобий аҳамиятларига қарамадан бу кўрсаткичлар баъзи ҳолларда чегараланган аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин.

Биринчидан, кўпгина кўрсаткичлар, шу жумладан молиявий аҳволни, капиталнинг этарлилиги ва бошқаларни ҳарактерловчи кўрсаткичлар, асосан ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, улар ўтган давр кўрсаткичлари асосида ҳисобланади. Миждознинг келажакдаги кредит тўловига лаёқатлилигини режалаштириш эса келажакда ссудаларни қайтарилиш имкониятларига баҳо беради.

Иккинчидан, одатда бундай кўрсаткичлар ҳисобот муддатига қолган қолдиқ асосида ҳисобланади, ваҳоланки, маълум даврдаги оборотлар ҳақидаги маълумотлар ссудаларни қайтариш имкониятларини тўлароқ тасвирлайди. Жаҳон банклари амалиётида миждознинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлашда турли хил баҳолаш тизимларидан фойдаланилади. Масалан, АҚШда потенциал қарз олувчининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш учун ва ўз навбатида кредит рискинни минималлаштириш учун 5 “С”лар қондаси номли усулдан фойдаланилади. Бу усул асосида миждоз фаолиятини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари ётади:

- customer character – миждознинг репутацияси.
- capacity to pay – тўлов қобилияти.
- capital – капитал.
- collateral – ссуданинг таъминланганлиги.
- current business condition and goosnull – иқтисодий конъюнктура ва унинг истиқболлари.

Бу усул бўйича миждознинг обрўси, масъулият даражаси, қарзни тўлашга бўлган истаги ва тайёргарлиги текширилади. Даставвал банк миждознинг ўтмишда ўз мажбуриятларига қандай муносабатда бўлганлиги,

кредитланувчи субъектнинг мамлакат иқтисодиётида, бозорда қандай мавқеига эга эканлигини текширади. Бунда банк қарздор билан суҳбат олиб боради, архивдан миждоз тўғрисида материалларни олиб, таҳлил қилади, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади ва ҳ.к. Қарздорнинг тўлов қобилияти унинг молиявий имкониятлари, кредитни тўлаш қобилияти, қарздорнинг фойда ва зарарлари ҳамда келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни пухта таҳлил қилиш орқали аниқланади. Унда банк қарзни тўлаш бўйича миждоз маблағларининг уч асосий манбасини чуқур ўрганиб чиқади. Булар:

- жорий касса тушумлари (cash flow);
- активларни сотиш;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари (жумладан, пул бозоридаги қарзлар).

5“С” қондасидан фойдаланишда фирмаларнинг акционер капитали ва унинг тузилиши, актив ва пассивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбати, қарзнинг таъминланишига, унинг этарлилиқ даражаси, сифати ва қарзни тўламаслик ҳолида гаровни сотиш даражаси каби қўшимча кўрсаткичлар ҳам банкнинг эътиборидан четда қолмайди. Кредитга бўлган талабнома қараб чиқилишида умумий шарт-шароитлар, жумладан; давлатдаги ишбилармонлик иқлимини аниқловчи ва банк билан биргаликда қарздорнинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар, иқтисодий ҳолат аҳволи, монанд товар бўйича бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатнинг мавжудлиги, солиқлар, хом-ашё баҳолари ва ҳ.к.лар ҳам эътиборга олинади.

Тижорат банклари кредит портфелини шакллантириш ва сифатини оширишнинг алоҳида назарий ва амалий масалалари хорижлик бир қатор таниқли иқтисодчилар, жумладан, В. Усоскин ўзининг “Замонавий тижорат банки” номли монографиясида тижорат банки кредит портфелининг сифат даражасини ошириш учун миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатига асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, мижознинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлик даражасини, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлигини кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқиминининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Мижозларнинг банкротлиги билан боғлиқ бўладиган рискларга қарши тура олиш учун ҳар бир банк этарли миқдорда ўз маблағларига эга бўлиши керак. Бу нарса уларга юзага келадиган зарарларни қоплай олиш ва тўлов лаёқатини сақлаб қолиш имкониятини яратади. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, ўз маблағлари этарли бўлмаган ҳолда банк мижозларининг депозитларидан фойдаланади. Агар депозитларни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун амалда бўлмаса, тижорат банклари кредит рискларини қоплаш учун этарлича реал захираларни яратиш бўйича чора-тадбирлар қўллайдилар.

Иқдисодиётни модернизациялаш босқичида республикаимиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Хусусан, мамлакатимиз банк тизимида кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланилмаётганлиги, мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги баҳолаш тизимида сезиларли камчиликларнинг мавжудлиги тижорат банклари кредит сиёсатини тадқиқ қилишни, кредит сиёсати асосида кредитлаш жараёнини олиб бориш тижорат банкларининг самарали фаолият юритишига сабаб бўлади.

2.Боб.Мижознинг кредит лаёқатини баҳолаш

2.1 Мижознинг кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари

Мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш мураккаб жараён бўлиб, у кредит бўлими ходимлари томонидан йирик аналитик ишни амалга оширишни талаб қилади. Кредитни бериш жараёнида ва берилган кредитни назорат қилиш жараёнида корхонанинг бухгалтерия ҳисоботини доимий асосда таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун банклар бутун кредитлаш даври мобайнида бухгалтерия ҳисобини доимий асосида тақдим этишни мижозлардан талаб қилишлари зарур. Афсуски, республикамиз банк амалиётида кредит берилгандан сўнг мижознинг бухгалтерия балансидаги ўзгаришларни доимий равишда таҳлил қилмаслик ҳоллари мавжуддир. Корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири – бу унинг кредит юзасидан тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир. Бизга маълумки, республикамиз банк амалиётида кредитларни муддатида қайтмаслигининг асосий сабабларидан бири банклардаги мижозларнинг тўловга қобиллигини таҳлил қилиш тизимини ривожланмаганлигидир.

Кредитга лаёқатлиликини аниқлаш кредитлаш жараёнининг асосий томони ҳисобланади. Шу сабабли ҳам юқоридаги усулларни аниқ ва тўғри амалга ошириш кредитларнинг сифатини яхшилайдди. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичлар сони чегараланмаган, яъни қарз олувчининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир тижорат банки уни ўзи мустақил аниқлайди. Банклар орқали қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси маълум бир андозага туширилган молиявий коэффициентлардан фойдаланадилар. Уларга:

- қоплаш коэффициенти;
- ликвидлилик коэффициенти;
- мустақиллик(мухторийлик) коэффициенти, яъни ўз маблағлари билан

таъминланиш коэффициенти киради.

Ликвидлилик мижознинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини (қопланишини) билдиради. Ликвидлилик ва қоплаш коэффициентлари қарз олувчининг баланс ликвидлигини, яъни пассивдаги мажбуриятларни қоплаш учун активдаги пул маблағларининг этарлилик имкониятларини тасвирлайди.

Қоплаш ва ликвидлилик коэффициентлари баланснинг актив ва пассивларини солиштириш йўли билан ҳисобланади. Ликвид маблағлар ўзининг тез пулга айланиши даражасига қараб 3 гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ ликвид маблағларга:

1. пул маблағлари (баланснинг 170-қатори), жумладан ҳисоб-китоб варағи;
2. валюта ҳисоб варағидаги (180 - қ);
3. бошқа ҳисоб варақлардаги ва кассадаги пул маблағлари (190 - қ) киради;

Иккинчи гуруҳ ликвид маблағларига тез пулга айланадиган талаблар(бу талабларнинг муддати одадта 3 ойдан ошмаслиги лозим):

- ишончли дебиторлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар (200-220 - қ);
 - муддати 3 ойгача бўлган аванс тўловлар (230 - қ);
 - бюджет билан ҳисоб-китоблар (240 - қ);
 - корхоналар билан қисқа муддатли характерга эга бўлган бошқа операциялар (260-270 - қ) ;
 - ишчи- хизматчилар билан ҳисоблашишлар (250- қ);
4. таъсисчилар ҳамда бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (280-290 - қ);

Иккинчи гуруҳ ликвид маблағларнинг аксарият қисмини яқин 3 ой ичида тўланиш лозим бўлган дебиторлар ташкил қилади. Шунинг учун кредит беришда бу ликвид активларнинг ҳақиқатта 3 ой ичида пулга айланиш эҳтимолини чуқур таҳлил қилиш лозим.

1. 3 ой да тўланиши лозим бўлган векселлар;
2. хорижий корхоналар билан ҳисоб-китоблар;

Учинчи гуруҳ ликвид маблағларига тез сотиладиган товар моддий қимматликларининг заҳиралари бўйича талаблари киради:

- ишлаб - чиқариш заҳиралари ва келгуси давр харажатлари (120 - қ);
- тугалланмаган ишлаб-чиқариш (130 - қ);
- тайёр маҳсулот (140 - қ);
- товарлар (150 - қ);
- бошқа заҳиралар ва харажатлар киради.

Қисқа муддатли мажбуриятларни аниқлашда:

а) ўзгартиришлар киритмасдан қуйидаги кўрсаткичлар олинади:

- қисқа муддатли қарзлар (420 - қ);
- қисқа муддатли кредитлар (430- қ);
- буюртмачилардан тушган аванслар (440 - қ);

Кредиторлар:

- мол этказиб берувчилар олдидаги қарзлар (450 - қ);
- бюджетга қарзлар (460 - қ);
- иш ҳақи бўйича қарзлар (470 - қ);
- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарз (480 - қ);
- мулк ва шахсий суғурталаш бўйича қарз (490 - қ);
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз (500 - қ);
- шўъба корхоналар бўйича қарзлар (510 - қ);
- уюшма корхоналар бўйича қарзлар (520 - қ);
- бошқа кредиторлар (530 - қ);

б) ўзгартиришлар киритилиб қуйидаги кўрсаткичлар олинади (яқин уч ой муддатга):

- узоқ муддатли қарзлар (400 - қ);
- узоқ муддатли кредитлар (410 - қ);

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пул маблағлари $=170+180+190$ баланс қаторлари.

Тез сотиладиган талаблар =200+220+230+240+250+260+270+ +280+290
баланс қаторлари.

Тез сотиладиган захиралар =120+140+150 баланс қаторлари.

Қисқа муддатли мажбуриятлар = 420+430+440+450+460+470+
480+490+500+510+530+(400+410 ўзгартиришлар билан) баланс
қаторлари.

Учинчи гуруҳ ликвид маблағларини таҳлил қилганда, товар – моддий
бойликларнинг ҳақиқатта ишлаб чиқариш учун зарурлигига эътибор бериш
лозим. Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини ҳисобга олганда айланма
активлар таркибига :

1. Корхона омборида туриб қолган, ишлаб чиқариш учун зарур
бўлмаган товар моддий бойликлар ;
2. Ишлаб чиқаришдан олиб ташланган товарлар;
3. Талаб бўлмаган ,сифациз товар-бойликлар,
4. Қийин сотиладиган товарлар ва бошқалар қўшилмаслиги керак.

Агар миқдорнинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли
мажбуриятларидан икки баробар ва ундан ортиқ, бўлса, миқдор молиявий
жиҳатдан барқарор ҳисобланади.

Миқдор баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларга асосан кредитга
лоёқатлилиқ кўрсаткичлари аниқланади.

Ликвидлилиқ коэффициенти (Кл) қуйидагича ҳисобланади:

$$Кл = \frac{1,2 \text{ ва } 3 \text{ гуруҳ ликвид маблағлар}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Қоплаш коэффициенти (Қп)ни ҳисоблашда барча ликвид маблағларнинг
қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати олинади. Ўоплаш коэффициенти
ликвидли активлар қанчалик даражада қисқа муддатли мажбуриятларни
қоплай олиши мумкинлигини ифодалайди. Агар корхонанинг ликвид
активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларини 2 ва ундан ортиқ баробар
қопласа, субъектнинг молиявий аҳволи шунчалик барқарор ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда хўжалик субъектлари фаолиятида эҳтиёждан ёки нормативдан ортиқча товар моддий бойликлар (айниқса мавсумий корхоналарда) захираларининг юзага келиши яхши ишлайдиган корхоналарда ҳам қоплаш коэффициентининг паст бўлишига олиб келиши мумкин. Лекин қоплаш коэффициенти 1дан кам бўлмаслиги лозим. Ўоплаш коэффициентининг 1 га тенглиги ликвид активлар кредитлар ва заёмлар ҳисобидан ташкил қилинганлиги ва ликвид активларни ташкил қилишда корхонанинг ўз маблағлари иштирок қилмаганлигини кўрсатади. Қачонки қоплаш коэффициенти 1дан кичик бўлса, хўжалик субъектининг молиявий аҳволида муаммолар борлиги, унинг барқарор эмаслиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин, чунки корхона ўз мажбуриятларини қоплай ололмайди.

1 ва 2-гуруҳ ликвид маблағлари

Кл= _____

қисқа муддатли қарз мажбуриятлари

Қоплаш коэффициенти мижознинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш учун барча турдаги айланма маблағларнинг этарли даражасини аниқлашга имкон беради. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг, жумладан, банклар фаолиятининг тижоратлашуви объектив ҳолат ҳисобланади. Сўнгги йилларда турли хил мулкчилик шаклларига асосланган субъектлар ташкил топмоқда. Бу субъектлар қандай мулк шаклига асосланган бўлишига қарамасдан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиб, ўз ҳаражатларини ўзи қоплашлари шарт. Бозор шароитида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган хўжалик субъектларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж юзага келиши муқаррар бўлиб, ушбу эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобидан қопланади.

Ликвидлилик коэффициенти қарз олувчи ўз маблағлари ҳисобидан қарзнинг қанча қисмини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади, яъни бу коэффициентдан мижознинг яқин келажакда оператив равишда банкга қарз тўлаб бериш қобилиятини прогнозлаш учун фойдаланилади. Ликвидлилик

коэффициенти қанча юқори бўлса, кредитга лаёқатлилиқ шунча юқори бўлади.

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги мухторийлик коэффициенти умумий корхона баланси пассивининг қанча қисми корхонанинг ўз манбаларидан ташкил топганлигини баҳолайди ва қарз маблағлари ичидаги корхона мустақиллигини акс эттиради.

Молиявий мустақиллик ёки мухторлик коэффициенти (K_m) миқдорнинг ўз маблағларининг барча маблағлар манбалари ичида тутган салмоғини, яъни корхона фаолиятининг қанча қисми ўз капитали ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатади ва қуйидаги формула орқали аниқланади

$$K_m = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари}}{\text{баланс суммаси}} * 100\%$$

Банк учун кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари кредит шартномаси тузилаётганда риск даражасини аниқлаш нуқтаи назаридан муҳимдир. Ўз маблағлари манбалари ва унинг ҳажми қанчалик катта бўлса, миқдорнинг ўз вақтида қарз мажбуриятларини тўлаш қобилияти шунча юқори бўлади. Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Хўжалик объектларининг ўз маблағлари манбалари таркибига қуйидагилар киради:

- устав фонди;
- резерв фонди;
- бошқа ташкил қилинган фондлар;
- ўтган ва ҳисобот йилларидаги тақсимланмаган фойда.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг натижаси меъёрий талаблар билан таққосланади ва корхонанинг молиявий аҳволи аниқланиб, кредит бериш мезонлари белгиланади. Кредит бериш бўйича синфларга ажратишда қуйидаги талаблар ҳисобга олинади.

**Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларига қараб миқозларни
синфларга ажратиш бўйича талаблар**

	Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
.	Қоплаш коэффициенти (K_k)	$K_k \geq 2,0$	$2,0 > K_k \geq 1,0$	$1,0 > K_k$
.	Ликвидлилиқ коэффициенти (K_l)	$K_l \geq 1,5$	$1,5 > K_l \geq 1,0$	$1,0 > K_l$
.	Мухторлиқ коэффициенти (K_m)	$K_m \geq 60\%$	$60\% > K_m \geq 30\%$	$30\% > K_m$

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги 30% дан кам бўлмаслиги керак. Айланма активларининг айланиш тезлиги ва корхона фаолиятдан келиб чиққан ҳолда бу кўрсаткич озгина паст бўлиши ҳам мумкин. Агар бу кўрсаткич 60% дан юқори бўлса, кредит бўйича рискни минимал деб қараш мумкин.

Кредитга лаёқатлилиқнинг ҳар бир синфдаги корхоналарга банклар ҳар хил кредит муносабатлари тўза оладилар. 1-синфга мансуб қарз олувчиларга банк кредит линияси очиши, контокоррент ҳисоб рақами бўйича кредит бериши, бошқа қарз олувчиларга нисбатан паст фоизларда ишончли кредитлар бериши, кредитлар бўйича таъминганлик талаб қилинмаслиги мумкин.

2-синфга мансуб қарз олувчига эса умумий асосларда ва одатдаги тартибда, яъни мажбуриятни мувофиқ шаклда таъминланиши (кафолат, гаров, кафиллик) шароитида кредит берилади., агар унинг қўшимча кўрсаткичлари ижобий ҳолда бўлса, унда унга имтиёзлар берилиши мумкин, аммо ишончли кредитлар берилмайди. Агар қўшимча кўрсаткичлар бўйича

камчиликлар бўлса, унинг молиявий аҳволи нобарқарор деб топилиши ва уни яхшилаш учун чоралар кўришни талаб қилиш, кредит бўйича гаровни мустаҳкамлаш, фоиз ставкаларин ошириши, ссуданинг суммасини ва муддатини чеклаш чораларини кўриш мумкин.

Банк учун 3-синфга мансуб корхоналарни кредитлаш жиддий рисклар билан боғлиқдир. Шунинг учун улар камдан кам ҳолатларда ва юқори турадиган корхоналар кафолати ҳамда мулкни гаровга қўйган ҳолатда энг юқори фоизларда кредитланадилар.

Агарда таҳлил бўйича мижознинг молиявий ҳолатида қоплаш коеффициенти 0,5дан ($k_k < 0,5$) кичик бўлса, ликвид маблағлари жуда кам бўлса ёки умуман мавжуд бўлмаса ва унинг ўз маблағлари миқдори ҳам кам бўлса, у ноликвид балансга эга бўлган, молиявий ҳолати ночор корхона деб қаралади ва уни 4-синфга киритиш мумкин ва бундай корхонларга одатда умуман кредит ажратилмайди.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг муҳим бир хусусияти шундаки, юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг якуний кўрсаткичлари ҳисобланмайди. Мижозлар фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволини янада чуқурроқ кўриб чиқишда, ҳамда кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари бўйича мижоз турли хил синфларга тааллуқли бўлиб чиқса, у ҳолда молиявий аҳволи ҳақида туғри хулосага келиш учун кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги 429 – Низомга асосан “Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнидаги юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредит портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир”.

“Кредит сиёсати” ҳужжатли кредитларни бошқариш жараёнининг пойдеворини ташкил этади. Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ва ёзма равишда қайд этилган “Кредит сиёсати” кредитларни оқилона бошқаришнинг самарали йўлларида ҳисобланади. Ушбу ҳужжат банкнинг кредитлаштириш фаолиятининг андозалари ва параметрларини белгилаб беради. Ушбу белгиланган стандартлар ва параметрлардан кредит бериш, қарзларни ҳужжатлаштириш ва бошқариш бўйича маъсулиятли бўлган банк хизматчилари қўлланма сифатида фойдаланишлари лозим. Кредит сиёсати банк бошқаруви аъзолари, қонун чиқарувчи, стратегик қарор қабул қилувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатини белгилаб беради ҳамда ички ва ташқи аудиторларга банкда кредитларни бошқариш даражасининг ўтиш даврида, молиявий бозорларга давлатнинг таъсири камайган шароитда, тижорат банклари ички сиёсатини ўзлари ишлаб чиқишни кескин фаоллаштиришлари лозим.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ, объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларнинг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари – кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва эчимлар тўплами дейилади.

Банк кредит сиёсатининг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- Банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш (кредит турлари, қоплаш муддатлари, миқдори ва сифати) билан боғлиқ масалалар;
- Банк раисининг кредит фаолияти учун жавоб берадиган ўринбосари, кредит қўмитаси раиси ва кредит инспекторига юкланган ваколатлар рўйхати (энг кўп кредит суммаси ва турлари);
- Банкнинг кредит бериш соҳасидаги ҳуқуқлари ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлари;
- Кредит аризалари бўйича текшириш ва қарор чиқариш тизими баёни;
- Кредит аризасига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида албатта сақланадиган ҳужжатлар рўйхати (қарздорнинг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров, кафолат ҳақида шартнома ва хоказолар);
- Кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида батафсил маълумотлар;
- Кредитнинг таъминланганлиги ва уни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;
- Барча кредитлар сифатини белгиладиган меъёрлар баёни;
- Банк хизмат кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори;
- Муаммоли кредитлар таркиби ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоллари кўрсатилади;

2.2 Мижознинг кредитга лаёқатлилигининг қўшимча кўрсаткичлари

Юқорида таъкидлаганимиздек, мижознинг молиявий ҳолатини баҳолашда аниқ бир хулосага келиш учун кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичларига қўшимча сифатида кредитга лаёқатлилигининг қўшимча кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Корхонанинг кредитга лаёқатлилигининг қўшимча кўрсаткичлари асосан мижознинг айланма активлари ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кўзда тутди. Маълумки, қисқа муддатли кредитлар хўжалик субъектларининг айланма активларига берилади. Шунинг учун мижознинг кредитни ўз вақтида банкка қайтара олиш қобилияти ҳам унинг айланма активларидан фойдаланишидаги самарадорлик даражасига қараб белгиланади. Хўжалик субъектлари айланма активлардан қанчалик самарали фойдаланаётган бўлса ва айланма активларнинг айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самараси ва уни ўз вақтида банкка тўлаш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин. Биз айланма маблағларнинг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида олдинги параграфларимизда кенгроқ тўхталган эдик. Шу боис биз қисқача бўлсада кредитга лаёқатлилигининг қўшимча кўрсаткичларни келтириб ўтмоқчимиз. Бу кўрсаткичлардан бири бу айланма активларнинг айланиш коэффициенти ҳисобланади.

Агарда таҳлил бўйича мижознинг молиявий ҳолатида қоплаш коэффициенти 0,5дан ($k_k < 0,5$) кичик бўлса, ликвид маблағлари жуда кам бўлса ёки умуман мавжуд бўлмаса ва унинг ўз маблағлари миқдори ҳам кам бўлса, у ноликвид балансга эга бўлган, молиявий ҳолати ночор корхона деб қаралади ва уни 4-синфга киритиш мумкин ва бундай корхонларга одатда умуман кредит ажратилмайди.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг муҳим бир хусусияти шундаки, юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг якуний кўрсаткичлари ҳисобланмайди. Мижозлар фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволини янада

чуқурроқ кўриб чиқишда, ҳамда кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари бўйича мижоз турли хил синфларга тааллуқли бўлиб чиқса, у ҳолда молиявий аҳволи ҳақида туғри хулосага келиш учун кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мижознинг молиявий ҳолатини баҳолашда аниқ бир хулосага келиш учун кредитга лаёқатлилиқнинг асосий кўрсаткичларига қўшимча сифатида кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Корхонанинг кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичлари асосан мижознинг айланма активлари ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кўзда тутди. Маълумки, қисқа муддатли кредитлар хўжалик субъектларининг айланма активларига берилади. Шунинг учун мижознинг кредитни ўз вақтида банкка қайтара олиш қобилияти ҳам унинг айланма активларидан фойдаланишидаги самарадорлик даражасига қараб белгиланади. Хўжалик субъектлари айланма активлардан қанчалик самарали фойдаланаётган бўлса ва айланма активларнинг айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самараси ва уни ўз вақтида банкка тўлаш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин. Биз айланма маблағларнинг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида олдинги параграфларимизда кенгроқ тўхталган эдик. Шу боис биз қисқача бўлсада кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичларни келтириб ўтмоқчимиз. Бу кўрсаткичлардан бири бу айланма активларнинг айланиш коэффициенти ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланиши коэффициенти (Коб) жорий активларнинг айланиш тезлиги ва активларга қўйилган маблағларнинг пул маблағларига айланиш тезлигини ҳарактерлаб, у маълум давр(ой, квартал, йил) ичида айланма маблағлари неча марта айланганлигини ифодалайди :

$$\text{Коб} = \frac{\text{Реализация қилинган маҳсулот хажми}}{\text{айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиғи}}$$

Айланма маблағларнинг айланиши коэффициенти хисоблаш айланишни прогнозлаш ва кредитлаш муддатини аниқлашга имкон яратади. Айланма активларнинг айланиши коэффициенти айланма активларнинг ҳаракати тезлигини ифодалайди ва таҳлил қилинаётган даврда маҳсулотни сотишдан тушумларнинг чекланиши ҳамда айланма активларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб боришга имкон яратади.

Шунингдек, айланма активларнинг кунларда айланишини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг бир марта айланиши (П-Т-И/Ч-Т-П) учун неча кун кетишини кўрсатади.

$$A_k = \frac{(\text{О кунларда Айланма маблағларининг ўртача қолдиғи} \times 360 \text{ кун айланиши})}{\text{реализация ҳажми}};$$

Айланма активлар айланишига қанча кам кун кеца, корхонанинг фойда олиши, бинобарин кредитни банкка тўлаши шунча тез амалга оширилади.

Бу эрда айланма активларнинг ўртача қолдиғи, ўртача хронологик усулда аниқланади.

Мижознинг молиявий аҳволини характерловчи яна бир муҳим кўрсаткич – бу уларнинг ўз айланма маблағларининг ҳақиқий мавжудлигини тасдиқловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги кўрсаткичи (ЎАйММ) Қуйидагича аниқланади:

$$\text{ЎАйММ} = (110 - 330 \text{ баланс қаторлари})$$

бу ерда: 110- Ўз маблағлари манбалари

330- Узоқ муддатли активлар

Агар корхонанинг асосий активлари ўз маблағлари манбаларидан юқори бўлса, у ҳолда корхона баланси ноликвид эканлигини кўрсатади. Ноликвид балансга эга бўлган корхоналар банк кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар.

Маълум бир минтақа, давлат ёки қитъадаги иқтисодий ёки сиёсий қийинчиликлар шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган банкларнинг тўлов қобилиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу рискни фаолиятининг сезиларли қисми ривожланаётган мамлакатлар билан боғланган банклар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу мамлакатларнинг ўз қарзларини тўлашга лаёқатсизлиги баъзи банкларни, жумладан йирик банкларни ҳам мураккаб аҳволга солиб қўяди. Чунки, банклар маблағларининг маълум қисмини захираларни яратишга сарфлашларига тўғри келади.

Россия Федерациясининг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда кўплаб молиявий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади⁴.

Мазкур молиявий кўрсаткичлар тизими ўз ичига беш гуруҳга мансуб бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичларни олади. Биз бу тизимнинг айрим кўрсаткичларини мамлакатимиз банк амалиётига ҳам тадбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Жумладан:

$$\text{ЖЛК} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий пасивлар}}$$

Бу ерда: ЖЛК – жорий ликвидлилик кўрсаткичи коэффициенти

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 1,25-2,0 ни ташкил этади. Унинг минимал даражаси 1,0 дан паст бўлмаслиги керак. Агар мижознинг қарз мажбуриятлари суммаси унинг жорий активларининг суммасидан катта бўлса, бу мижоз кредит тўловига қобилияти ҳисобланади.

$$\text{ТЛК} = \frac{\text{Ликвидли активлар}}{\text{Жорий пасивлар}}$$

Бу ерда: ТЛК – тезкор ликвидлилик коэффициенти

⁴ Лаврушин О.И. Банковское дело. 2-ое изд. - Москва: ФиС, 2000. -С. 224-231.

Ушбу кўрсаткичнинг даражасини баҳолаш учун унинг миқдори шу тармоқнинг ўртача тезкорлик коэффициенти билан таққосланади. Агар корхонанинг ТЛК даражаси ўртача тармоқ кўрсаткичига тенг ёки ундан юқори бўлса, бу ҳолат ижобий баҳоланади.

Айланиш коэффициентлари

$$\text{ЗАК} = \frac{\text{Захираларнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}$$

Бу эрда: **ЗАК** – захираларнинг айланиш коэффициенти

Ушбу айланиш коэффициенти кунларда ўлчанади ва айланишнинг кунларда олинган тезлигини билдиради.

$$\text{ЗАК} = \frac{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}{\text{Захираларнинг ўртача қолдиғи}}$$

Ушбу айланиш кўрсаткичи таҳлил қилинган даврдаги айланишлар сонини билдиради.

$$\text{ДҚАК} = \frac{\text{Дебитор қарздарликнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Маҳсулатларни сотишдан олинган тушум}}$$

Бу эрда: **ДҚАК**–дебитор қарздоликнинг айланиш коэффициенти.

$$\text{ААК} = \frac{\text{Маҳсулатларни сотишдан олинган тушум}}{\text{Активларнинг ўртача қиймати}}$$

Бу эрда: **АКК** – активларни айланиш коэффициенти

Умумий пул оқими кўрсаткичига кўра мижознинг кредит тўловига лаёқатлилиги қуйидаги шкала орқали баҳоланади:

Пул оқимининг мажбуриятларга нисбати бўйича кредит тўловига лаёқатлилиқ қуйидагича баҳоланади: 1-синф (0,75); 2-синф (0,30); 3-синф (0,25); 4-синф (0,20); 5-синф (0,20); 6-синф (0,15).

Умумий пул оқими кўрсаткичининг 0,30 дан 0,75 гача бўлган даражасига эга бўлган миждлар банк кредитларидан фойдаланиш учун эркин шароитга эга. 0,25 дан бошлаб мижднинг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражаси пасаяди.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида миждларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда асосан молиявий кўрсаткичлар усулидан ва мижднинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг фойдаланилади ва ушбу усуллар мижднинг кредит тўловига лаёқатлилиги тўғрисида аниқ ва ишончли хулосаларни шакллантириш имконини беради.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида, жумладан, АҚШ банк амалиётида миждларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда таниқли иқтисодчи олим Э.Рид⁵ томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлар усули ҳам кенг кўламда қўлланилади.

Э.Рид томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлар усули ўз ичига қуйидаги тўрт гуруҳни олади:

- ликвидлилиқ кўрсаткичлари;
- айланиш кўрсаткичлари;
- маблағларни жалб қилиш кўрсаткичлари;
- фойдалилик кўрсаткичлари .

Халқаро банк амалиётида умумий пул оқими кўрсаткичи орқали мижд пул оқимининг ҳолати баҳоланади.

Умумий пул оқими кўрсаткичига кўра мижднинг кредит тўловига лаёқатлилиги қуйидаги шкала орқали баҳоланади:

Пул оқимининг мажбуриятларга нисбати бўйича кредит тўловига лаёқатлилиқ қуйидагича баҳоланади: 1-синф (0,75); 2-синф (0,30); 3-синф (0,25); 4-синф (0,20); 5-синф (0,20); 6-синф (0,15).

Умумий пул оқими кўрсаткичининг 0,30 дан 0,75 гача бўлган даражасига эга бўлган мижозлар банк кредитларидан фойдаланиш учун эркин шароитга эга. 0,25 дан бошлаб мижознинг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражаси пасаяди.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда асосан молиявий кўрсаткичлар усулидан ва мижознинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг фойдаланилади ва ушбу усуллар мижознинг кредит тўловига лаёқатлилиги тўғрисида аниқ ва ишончли хулосаларни шакллантириш имконини беради.

2.3 Бизнес режанинг кредитлаш жараёнидаги ўрни

Бизнес-режа корхона (фирма)нинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатлардан биридир. Шу билан бирга фирма тараққиётининг умумий концепциясига асосланади, стратегиянинг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бирмунча батафсил баён этади, аниқ-тайин чора-тадбирларни техник иқтисодий жиҳатдан асослаб беради.

Бизнес-режа-бу шундай ҳужжатки, фирманинг унда ўз ишини қандай бошлаши, қандай ишлаб чиқаришини самарали юргизиш ва товарни бозорга олиб чиқиши, қандай технологияни қўллаши, қачон дастлабки даромад олиши, таваккалчилик (риск) ни камайтириши, сарф-харажат даражаси ва фойда олиши, рақобат курашида ютиб чиқиш каби кўрсаткичларнинг лойиҳаси ўз аксини топади

Бошқача қилиб айтганда, бизнес-режа тадбиркор учун гўё бир иш қуролидир, аниқроғи, компасдир. У фирманинг иш жараёнини тасвирлаб, фирма раҳбарларининг ўз мақсадларига қай тариқа эришишларини, биринчи

галда ишнинг даромаддорлигини қай тарика ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа фирмага:

- ўсиб боришга
- бозорда янги мавқеларни қо ўйга киритишга;
- ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга;
- янги товарлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга;
- янги мўлжалланган амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради;

Бозор муносабатлари ривожланган сари режанинг аҳамияти тобора ошиб боради. Бирон-бир ишлаб чиқариш, хусусан, тижорат ғоясини режасиз амалга ошириб бўлмаслигини хорижий бизнесменлар аллақачон тушуниб этганлар. Бу эрда гап аввалги беш йиллик режаларимиз ҳақида бормаяпти. Хорижий мамлакатларнинг "Беш йиллик режалари" бутунлай бошқача усулда тузилади. Уларни бизнес-режа деб юритишади.

Бизнес-режа корхонанинг ички ҳужжати бўлибгина қолмай, балки ундан инвесторлар ва кредиторларни таклиф қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя беришдан аввал лойиҳанинг синчиклаб ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилишлари ва унинг самарали эканлигидан хабардор бўлишлари керак. Улар сармоя бериш имкониятларини кўриб чиқишдан олдин бизнес-режани синчиклаб ўрганиб чиқишади. Шундан сўнг улар лойиҳани ишлаб чиққанлар билан учрашади. Корхона ўз фаолиятини бизнес-режасиз бошлар экан, у албатта инқирозга учраши муқаррар.

Муваффақиятли тузилган бизнес-режа корхонанинг ҳолатини чуқур таҳлил қилишга ҳамда унинг истиқболдаги ривожланишига ҳолисона ва объектив баҳо беришга ёрдам беради. У муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни бегона одамларга, шунингдек корхона бошқарувига алоқадор бўлмаган шахсларга бериш таъқиқланади.

Бизнес-режа бозор эҳтиёжини инобатга олган ҳолда фирманинг қисқа ва узоқ муддатга мўлжаллаш, шунингдек зарурий ресурсларни олиш мақсадида тузилади. У тадбиркорга қуйидаги вазифаларни бажаришга, яъни:

- фирма фаолиятидаги аниқ йўналишни, мақсадли бозорлар ва у бозорларда фирманинг ўрнини аниқлашга;

- товар ва хизмат турларини танлаш ва истеъмолчиларга қилинадиган таклиф таркибини

белгилашга, уларни ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланадиган харажатларни баҳолашга;

- фирма мақсадини амалга ошириш учун мавжуд кадрлар салоҳиятининг ҳамда меҳнат мотивациясининг талаб даражада эканлигини баҳолашга;

- фирма мақсадини амалга оширишда мавжуд молиявий ва моддий ресурсларнинг мувафқлигини баҳолашга;

Бизнес-режани назарга олмаган тадбиркор кутилмаган нохушликларга дуч келиши табиий. Бу нохушликлар нафақат тадбиркорнинг ўзига, шу билан бирга унинг бошлаган ёки юргизаётган фаолиятига қаттиқ зарба бериши мумкин. Шу сабабли вақтни аямасдан бизнес-режани тузишга, сўнгра фаолиятни бошлашга жазм этмоқ зарур. Ҳаттоки бозорда ўзгарувчанлик интенсив бўлган ҳолларда ҳам уни тузишдан воз кечмаслик даркор.

Фирма фаолиятини бизнес-режа воситасида режалаштириш қуйидаги афзалликларга эга:

- фирма раҳбарларини фирма истиқболи билан шуғулланишга мажбур қилади;

- фирма мақсадини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқ мувофиқлаштиришга имкон беради;

- фирма фаолиятини назорат қилиш кўрсаткичларини ўрнатишга ёрдам беради;

- фирма раҳбари ва маъсул ходимлар мажбуриятларини янада аниқроқ ўрнатишга, уларнинг жавобгарлигини оширишга мажбур қилади;
- фирмани бозор вазиятига ҳар доим тайёрлаб боради.

Қисқаси, бизнес-режа тадбиркорга мазкур фаолият учун пул сарфлаш кераклиги, бу сарф даромад олиб келадими, олинган даромад сарфланган харажатни қоплаб фирма рентабеллигини таъминлай оладими деган саволларга жавоб беради.

Бизнес-режа қуйидаги ўта долзарб вазифаларни эчиш учун ҳам зарурдир:

- мавжуд ва янгитдан ташкил топадиган хусусий ва акциядор фирмаларга кредит олиш учун;
- давлат корхоналарни хусусийлаштириш бўйича таклифларни асослаш учун;
- янги фаолиятни бошлаш ва фирманинг бўлғуси йўналишни аниқлаш учун;
- четдан инвесторларни жалб қилиш учун;
- қўшма корхоналарни ташкил қилиш учун;
- буюртмачи ёки харидор билан йирик шартномани тузиш учун;
- янги малакали ходимларни ўз фирмангизга жалб қилиш учун;
- товарингизни ёки хизмат турларини четга чиқаришни асослаш ва ҳоказолар учун.

Бу муаммоларни эчиш учун бизнес-режа зарурдир ва у аввалги кўниккан техник-иқтисодий асослаш каби хужжатнинг ўрнини босмоғи даркор.

Бизнес-режани менежер, тадбиркор, фирма, фирмалар гуруҳи, консалтинг ташкилоти тайёрлаши мумкин. Бизнес-режани тузиш жараёни тадбиркорлик ғоясидан бошланиб, олинган фойдани унинг иштирокчиларига тақсимлаш билан якунланади.

Бизнес-режани тузишда раҳбарнинг шахсан иштироки жуда зарурдир. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий мамлакатлар банклари ва инвесторлари, агар бизнес-режани бошидан охиригача четдан маслаҳатчи ёллаб бажарган ва раҳбар фақат қўл қўйганини билиб қолсалар, бундай бизнес-режа лойиҳасига маблағ беришдан воз кечадилар.

Бу дегани бизнес-режани ишлаб чиқишда маслаҳатчилар хизматидан фойдаланмаслик керак дегани эмас, аксинча, инвесторлар томонидан эксперт маслаҳатчиларнинг хизматидан бизнес-режани ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги қўллаб-қувватланади. Гап бу эрда бошқа нарсада. Бизнес-режани ишлаб чиқишда корхона раҳбарининг ёки тадбиркорнинг шахсан ўзи иштирок этиши шарт.

Фирма янги ўзлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мўлжаллаган бўлса-ю, лекин буларни ишлаб чиқариш учун этарли қувватларга эга бўлмаса, у ё янги қувватларни юзага келтириш учун сармояларни жалб қилиш йўлидан бориши, ёки ишнинг бир қисmini бажариб берадиган шерикларни қидириб топиш йўлига кириши мумкин. Бундай ҳолда бизнес-режа шериклар капиталини инобатга олган ҳолда тузилади.

Бизнес-режани янги ҳиссадорлар, кредиторлар, бизнес соҳасидаги шериклар, маблағ берувчи хомийлар ва чет эл инвесторларини қидириб топишда ҳаммадан кўп фойдаланилади. Бундай шароитда бизнес-режа қачон, ким ва нима учун деган саволларга жавоб олиш учун тузилади.

Тадбиркор учун унинг бизнеси ҳаёт-мамотидир. Банк менежери ёки чет эл инвестори учун тайёрланган бу ҳужжатлар улар қўлига келиб тушадиган кўплаб ҳужжатларнинг фақат биридир. Сиз бу режа билан уларни ишонтира олишингиз, ўзингизга жалб қила олишингиз ва пировардда уни қўллаб-қувватлашингизга эриша оолишингиз лозим.

Бунинг учун сиз тузган бизнес-режа қуйидаги талабларга жавоб бериши, яъни:

— аниқ ва раво;

- қисқа ва лўнда;
- мантиқан кучли асосланган;
- тўғри ва ишончли;
- рақам ва фактлар билан ўз тасдиғини топган бўлиши шарт.

Бизнес-режа параметрлари муҳим индикатор вазифасини ўтайди, уларнинг уддаланмаслиги кредит ўз вақтида қайтмаслигининг ташвишли белгисидир. Бундай ҳолларда ҳам, юқорида айтилган каби, юзага келган вазиятни қарздор билан муҳокама қилиб, келгусидаги ишларни режалаштириш, зарур бўлса кредит шартномаси шартларини қайта кўриб чиқиш ва қарздорнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш чораларини кўришга тўғри келади.

Кредит шартномаси амал қилаётган даврда кредит бўлинмаси ходими корхона кредит қобилятининг тезкор таҳлилини ва кредит таъминотининг ҳолати устидан назоратни амалга ошириши лозим. Ушбу ишлар муддати кредит берилган муддатга боғлиқ. Бундан ташқари, корхона томонидан кредит ресурсларининг мақсадли ишлатилиши ва қарзнинг асосий суммаси ва у бўйича фоизларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш лозим. Шунингдек иқтисодий муаммоларга нархларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда хусусий дисконтлар ҳисобланиш даражасининг амалдаги кўламининг камлигини киритиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект кредит қобилятининг дастлабки, жорий ва ретроспектив таҳлил ҳисобланади. Ушбу элементнинг ташкилий механизми ўз моҳиятига кўра, асосан, кредит бериш тузилмаси (босқичлари)га ўхшаш бўлиб, берилаётган кредитнинг мақсадини аниқлаш орқали у банкнинг кредит сиёсати ва умумий ривожланиш стратегияси билан қанчалик мослашганлиги аниқланади. Бундай назорат тизими кредиторга кредит шартномасининг амал қилиш даврида қоидадан четга чиқишларни ўз вақтида аниқлаш ва содир бўлган ўзгаришларнинг эҳтимолдаги салбий оқибатларини

бартараф этиш учун комплекс чора-тадбирларни бажариш имкониятини беради.

III БОБ ЧЭКИ “ХАМКОРБАНК” АТБ ДА КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1 ЧЭКИ “Хамкорбанк” АТБ нинг кредит сиёсати

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти— банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тузадилар. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Банкнинг кредит сиёсати — кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимлари кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт⁶. Кредит сиёсатида мақсад ва стратегияси, ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш, шунингдек, кредит турлари, концентрацияси, қарздорларга доир молиявий ахборотлар тўплами, гаров таъминоти ва кредит мониторингига нисбатан қўйиладиган талаблар, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш, банк билан боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар, балансдан ташқари моддалар, кредит портфелини аудит қилиш ва корпоратив ҳисоботлар ёритилиши лозим.

⁶ “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом. 2-модда .2000 йил 2 мартда 905-сон

Кредит сиёсатининг йўналишларида эса, стратегик масалалар, яъни берилаётган кредитларнинг ҳажми ва шакли, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ўртасидаги нисбат ва ҳамда процедураларга оид молиявий ахборотларни таҳлил этиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

